


Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Пўлатов Файзи бобога Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги ўқиб эшиттирилди ва байрам совғалари топширилди



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Пўлатов Файзи бобога Ўзбекистон Республикаси Президентининг табриги ўқиб эшиттирилди ва байрам совғалари топширилди

Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, ватанни ҳимоя қилган қаҳрамон боболаримизнинг икки нафари фарзандлари ва набиралари билан Термиз туманида умргузаронлик қилиб келмоқда.

Куни-кеча вилоят ҳокими Тўра Боболов Термиз туманида бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчи Пўлатов Файзи бобо хонадонида бўлиб, “9 май – Хотира ва қадрлаш куни” муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг табригини ўқиб эшиттирди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 миллион сўм пул мукофотларини топширди.

Туманда улуғ ватан уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар ҳолидан хабар олиш, уларга байрам табрикларини етказиш ва мукофотларни топшириш тадбирлари давом этмоқда.

Термиз туман ҳокимлиги Ахборот хизмати